**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

# ***5111700 – Бошланғич таълим*** **бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари**

**Тошкент**

ЎзР ОЎМТВ
буйруқ № 418
14 08 2020 йил

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат педагогика универститети;
- Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини Ривожлантириш маркази.

**ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» 08 даги 418 - сонли буйруғи билан тасдикланган.

**ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 110000 - Педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА


| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| 1. | *5111700 – Бошланғич таълим* бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи......................................................................... | 4 |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси ........................................................................ | 4 |
| 1.1.1 | *5111700 – Бошланғич таълим* бакалавриат таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши........................................................ | 4 |
| 1.1.2 | Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари ......................... | 4 |
| 1.2 | *5111700 – Бошланғич таълим* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ................ | 4 |
| 1.2.1. | *5111700 – Бошланғич таълим* йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари............................................................ | 5 |
| 1.2.2. | *5111700 Бошланғич таълим* йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари................................................ | 5 |
| 1.2.3. | *5111700 Бошланғич таълим* йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.................................................. | 5 |
| 1.2.4. | *5111700 – Бошланғич таълим* йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари................................................................. | 6 |
| 2. | *5111700 – Бошланғич таълим* йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар........................ | 6 |
| 2.1. | Умумий компетенциялар................................................................ | 6 |
| 2.2. | Касбий компетенциялар.................................................................. | 7 |
| 2.3 | Касбий квалификациялар................................................................ | 7 |
| 3. | *5111700 – Бошланғич таълим* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар............................................................................... | 8 |
| 3.1. | *5111700 – Бошланғич таълим* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар............................................................................... | 8 |
| 3.2. | *5111700 – Бошланғич таълим* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми ..................................................... | 11 |
| | Библиографик маълумотлар............................................................ | 12 |

## I. *5111700 – Бошланғич таълим* бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

***5111700 – Бошланғич таълим*** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1. *5111700 – Бошланғич таълим* бакалавриат таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.**

Олий таълимнинг ушбу малака талаби ***5111700 – Бошланғич таълим*** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаблари асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

**1.1.2. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:**

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналиши(таркиби)нинг бакалавриат таълим йўналишларидан бирини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2. *5111700 – Бошланғич таълим* бакалавриат таълим йўналиши бўйича касбий фаолиятлари тавсифи**

***1.2.1. 5111700 – Бошланғич таълим*** **таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

***5111700 – Бошланғич таълим*** бакалавриат таълим йўналиши - умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун бакалавриат таълим йўналиши бўйича педагогик кадр жараёнида фойдаланиладиган фанлар, педагогик фаолият воситалари, усуллари, методлари;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида ҳамда мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-педагогик тадқиқот ишлари билан шуғулланиш;

оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, бошқа давлат ва нодавлат муассасаларида касбий фаолият юритиш каби комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

***1.2.2. 5111700 – Бошланғич таълим*** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар **касбий фаолиятининг объектлари:**

- фан, таълим жараёни; ўқитишнинг педагогик технологиялари ва методлари;

- фан ва таълимнинг назарий масалалари; ўқитиш методикаси;

- лойиҳалаштириш асосида ўқув жараёнини бошқариш технологиялари, маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаштириш ҳамда ташкил этиш жараёни, шахсий ва касбий ахборот майдонини шакллантириш жараёни, мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни; таълим соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни; таълимни бошқариш ва педагогик жараённи ташкил этиш;

- мос ихтисослик бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари, маънавий-маърифий тарғибот ишлари жараёни;

***5111700 – Бошланғич таълим*** таълим йўналиши бўйича бакалавр ***5А111701-Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим)*** магистратура мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олинишни назарда тутилади.*

**1.2.3. Таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий**

**фаолиятларининг турлари**

- *педагогик;*
- *илмий-тадқиқот;*
- *маънавий-маърифий;*
- *ташкилий-бошқарув;*

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

Таълим йўналиши йўналишлари бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

***1.2.4. 5111700 – Бошланғич таълим* йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

*5111700 – Бошланғич таълим* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:

*–умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларида "Она тили", "Ўқиш", "Математика", "Технология", География таркибидаги: "Табиатшунослик", "Атрофимиздаги олам", "Тарбия", ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида касбий фанларидан ўрнатилган тартибда дарс бериш;*

*–умумий ўрта таълим мактаблари, ихтисослаштирилган мактаб, касб-ҳунар коллежлари ва мактабдан ташқари муассасаларида ўқитувчи (ташкилотчи) бўлиб ишлаш;*

*–таълим тизимида кабинет мудири, лаборант ва унга тенглаштирилган лавозимларда ишлаш;*

*–мос таълим йўналишлар бўйича таълимни амалга оширувчи вазирликлар, унинг тармоқ бошқармалари ва муассасаларида методист бўлиб ишлаш;*

**Илмий-тадқиқот фаолияти:**

*– илмий-тадқиқот ташкилотларида кичик илмий ходим бўлиб ишлаш;*

*–маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда жойлардаги маънавият ва маърифат марказларида ишлаш;*

*–бошланғич таълим педагогикаси ва технологияси, ўқитишнинг дидактик воситаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.*

Битирувчилар касбий қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин олий, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган турдош (соҳага мос) фанларни ўқитиш имкониятига эга бўлади.

## 2. *5111700 – Бошланғич таълим* йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

### 2.1. Умумий компетенциялар:

– фукаролик жамиятининг долзарб масалаларини билиши, Ўзбекистон ривожлантириш стратегиясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга;

– дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

– Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши:

– табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ходисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

– инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

– хорижий тажрибаларга асосланиш, хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

– ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

– янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

– соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш укув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

**2.2. Касбий компетенциялар:**

– таълим йўналишлари бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

– тегишли бакалавриат йўналишлари доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

– кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

**2.3. Касбий квалификациялар:**

Бошланғич синфларда, тарбия, метематика, она тили, география (атроф олам ва табиат), технология фанларини ўқитиш, мактабдан ташқари таълим муассасаларида тарбиявий ишлар ташкилотчиси квалификациясига эга бўлиши мумкин.

**3. *5111700 – Бошлангич таълим* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.**

**3.1. *5111700 – Бошлангич таълим* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар**

***5111700 – Бошлангич таълим*** бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган холда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

Табиий-илмий ва гуманитар фанлар; умумкасбий; ихтисослик; қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўкув режалар мажбурий ўкув фанлари билан бир каторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўкув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўкув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустакил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

Бакалавриат таълим йўналиши ўкув режасига мувофик равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

***Табиий-илмий ва гуманитар фанлар фанлар блоки:***

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўкув режаларидаги Умумметодологик, гуманитар ва табиий-илмий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган холда билишнинг математик усуллари, информатика хамда ахборот тўплаш, уларни кайта ишлаш ва узатиш усулларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

коинотнинг табиий объект эканлиги ва унинг эволюцияси; табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

муайян билим соҳаси учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

ўқув-тарбиявий жараённинг комплекс хусусиятга эга эканлигини эътиборга олган ҳолда, ахборот технологияларини жорий этишни интегратив ёндашув асосида ташкил этиш малакасини таркиб топтириши;

ўқитишнинг илмийлиги ва кўргазмалилигини таъминлаш мақсадида ахборот технологияларининг мультимедиа имкониятларидан унумли фойдаланишга ўргатиши;

замонавий ахборот технологиялари муҳитида ўқув жараёнларини лойиҳалаштиришда ўқитишни индивидуаллаштириш, интенсивлаштириш ва оптималлаштиришга эришиш малакаларини шакллантириши;

ўқитишнинг самарадорлиги ва натижавийлигини таъминлаш мақсадида, хорижий тажрибаларга асосланиш, ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини тизимли, мантиқий кетма-кетликда қўллаш қобилиятини таркиб топтириши;

интернет воситасида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш, веб-квестларни яратиш ҳамда уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш малакасини шакллантириши:

математика дунёни билишнинг ўзига хос усули, унинг тушунчалари ва тасаввурларининг умумийлиги ҳақида;

талабаларга бакалавриат таълим йўналишининг назарий ва амалий масалаларини еча олишга етарли бўлган математик аппаратни эгаллаши ва уни қўллашни шакллантириш;

тарбия жараёнида турли ёшдаги болалар ва ўсмирлар организмининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш, зарарли одатлар, гиёҳвандликни олдини олиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг тиббий – гигиеник асослари ҳақида билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш;

тарбия жараёнида болалар ва ўсмирлар соғлигини ҳимоя қилиш, ўрта махсус ва касб-ҳунар колледжлар шарт - шароитлари, жиҳозланиши ва ўқув юкламанинг организмга таъсирини ўрганиш;

бакалаврларни экология ва табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги асосий тушунчалар, экологик муаммолар, бу муаммоларни ўз вақтида ижобий ҳал қилиш учун экологик маълумотга эга бўлишлари;

табиат қонунларидан хабардор бўлишлари, табиат билан жамият ўртасидаги узвий боғлиқликнинг туб моҳиятларини англаб етишлари.

***Умумкасбий фанлар блоки:***

математик ва табиий-илмий фанлар билан ихтисослик фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва ўқувларни шакллантириши;

таълим олувчиларнинг умумкасбий маданияти ва интеллектини ривожлантириши;

умумкасбий вазифаларни ҳал этишда фан ва таълимнинг замонавий муаммоларига доир билимлардан фойдаланишга тайёрлаши ҳамда муваффақиятли амалга оширишга доир ахборий-дидактик таъминотни яратиш малакасини таркиб топтириши:

касбий фаолиятнинг илмий соҳасидаги ўзгаришларни англаш, таҳлил этиш, умумлаштириш, аниқ хулосалар қабул қилиш кўникма ва малакаларини шакллантириши;

замонавий таълим ва инновацион тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда, касбий ўз-ўзини ривожлантириш йўналишларини белгилаб бериши;

бирламчи манбалар асосида касбий билимларни ривожлантириш, касбий шаклланиш ва ижтимоийлаштириш имкониятини тақдим этиши;

моделли тасаввурларни тажриба усуллари ва олинган натижаларни қайта ишлаш йўриқларига оид билимларни амалда қўллаш кўникмаларини таъминлаши;

психика, шахс, фаолият, мулоқот, билиш жараёнлари, иродавий сифатлар, ҳиссий ҳолатлар, индивидуал-хусусиятларга доир билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, ҳамда бўлажак педагог мутахассислар томонидан психик тараққиёт қонуниятлари, даврлари, механизмлари, омиллари ва шарт-шароитлари ҳақидаги замонавий илмий билимнинг ўзгартирилишини ташкил этиш;

психологиянинг моҳияти, психика ва онг тушунчалари, психик жараёнлар, ҳолатлар, хусусиятлар, психик ривожланиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари, ёш даврлари таснифи, психик тараққиётнинг турли босқичлари учун хос психофизиологик ва психологик хусусиятлар ҳақидаги билимлар билан қуроллантириш;

бўлажак ўқитувчиларни замонавий педагогик фанининг назарий-тарихий асослари ва ўқитувчи маҳоратига доир билимлар билан қуроллантириш, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талаблари асосида таълим-тарбия жараёнини оқилона ташкил этиш, педагогик меросдан самарали фойдаланиш, реал таълим амалиётида юксак педагогик маҳорат ва ўқитувчи нутқи маданиятини намоён эта олишга ўргатиш;

талабаларни Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва таълимни самарали ташкил этишга ўргатиш;

ўқув-тарбия жараёнини самарали бошқариш, ўқув-меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш ҳамда таълим олганликни ташхис этиш қонуният ва тамойиллари билан таништириш;

миллий ва жаҳон педагогик фикрлари тараққиёти билан таништириш ҳамда педагогик меросдан самарали фойдаланиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;

глобал доирада таълим тизими ривожланишининг ҳолати, асосий йўналишлари ва қонуниятларини таҳлил этиш, миллий ва худудий ўзига хосликлардаги умумий кўринишларни очиб бериш, халқаро педагогик тажрибанинг ижобий ва салбий жиҳатлари, миллий педагогик маданиятни бойитиш шакл ва методларини аниқлаштириш;

талабаларни ўқитувчи фаолиятида касбий маҳоратнинг тутган ўрни, мазмун-моҳиятига доир назарий билимлар ҳамда педагогик фаолиятнинг турли кўринишларида ўқитувчининг муомала маданияти,оғзаки ва ёзма

нуткт маданияти, ўқувчилар билан алоқа ўрнатиш ва мулоқотга киришa олиш методикасини тўлиқ ўзлаштиритиришларига эришиш лозим.

***Ихтисослик фанлар блоки:***

бакалавриат таълим йўналиши бўйича мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва уқувларини шакллантириши;

ихтисосликнинг аниқ касбий ва илмий йўналишлари билан таништириш, касб фаолияти хусусиятлари, фаолиятнинг устувор жиҳатлари, малакавий талаб ҳамда эталланиши зарур бўлган асосий малакаларни таркиб топтириши;

касбий-йўналтирилган талаблар, ижтимоий маданий сифатлар, мутахассисликка хос бўлган сифатлар (касбий йўналганлик, билимдонлиги, касбий лаёқат)ни ривожлантириши;

бўлажак касбий фаолият индивидуал методининг асоси сифатида, ўқув-педагогик ҳаракатларнинг репродуктив ва ижодий усулларини шакллантириш; муҳим касбий сифатларни ривожлантириш, касбий ва шахсий ўзини ривожлантириш эҳтиёжини юзага келтириши;

аниқ педагогик вазиятда маълум масалаларни ажратиб олиш ва уларни ҳал қилиш усули сифатида педагогик тафаккурни ривожлантириши;

талабанинг муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашишни таъминлаши лозим.

***Қўшимча фанлар блоки:***

талабаларнинг бакалавриат таълим фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

жамиятни педагогизациялаш шароитида педагогик профилактикани ташкил этиш ва амалга ошириш малакасини таркиб топтириши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуктаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюнктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фанлар дастурларининг мослашувчанлигини *таъминлаши лозим.*

***Танлов фанлари:***

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

***3.2. 5111700 – Бошланғич таълим* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори хажми хафтасига *30 соат, бир кредит* қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган холда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори хажми ҳафтасига *30 соатгача бир кредит* қилиб белгиланиши лозим.

Назарий таълим ҳажми "**Гуманитар**" билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

Ўқув йилида таътил даврининг умумий *ҳажми тўрт йилда 48 ҳафта* қилиб белгиланади.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни *204 ҳафта давом* этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

| **Ўқув даврлари** | **Кундузги таълим шакли учун*** | **Кечки таълим шакли учун*** | **Сиртки шакли таълим учун*** |
|---|---|---|---|
| Назарий ва амалий таълим* | 40-60% | 40-60% | 40-60% |
| *Шу жумладан, мустақил таълим* | - | 15-35% | 25-45% |
| Аттестация | 7-9% | 7-9% | 7-9% |
| Таътил | 10-15% | 10-15% | 10-15% |
| Малакавий амалиёт | 11-20% | 15-30% | 15-30% |
| Битирув малакавий иши | 2-3% | 2-10% | 2-10% |

**Библиографик маълумотлар**

УДК 002: 651. 1/7 Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

---

**Таянч сўзлар:**

Давлат таълим стандарти, малака талаблари, ўқув режа, компетенция, модуль, касбий фаолият соҳаси, касбий фаолият объекти, касбий фаолият тури, амалиёт, амалиёт объекти, кадрлар сифати, юклама, юклама ҳажми.

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари, касб, укиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври, мактаб амалиёти, тармоклар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриатнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустакил таълим, педагогик амалиёт, ташкилий-бошқарув, тарбиявий иш фаолияти, мутахассислик ва ихтисослик, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, инновация, лойиҳалаш, илмий тадкикот жараёни.

**Ишлаб чикувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

**Тошкент давлат педагогика университети**

**Ректор** ________________ **А.Умаров**

2020 йил «12» 08 ________

М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги**
**Республика таълим маркази**

**Директор** ________________ **Ш.Сатторов**

2020 йил «14» 08 ________

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги**
**Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази**

**Директор** ________________ **З.Хакимов**

2020 йил «14» 08 ________

М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**
**Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти**
**Бош бошкармаси бошлиғи**

**Бошлик** ________________ **С.Ниязбеков**

2020 йил «14» 08 ________

М.Ў.

*“5111700 – Бошланғич таълим”*

**бакалавриат таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган малака талаблари мазмуни бўйича ишчи гуруҳининг келишув варақаси**

| № | Ишчи гуруҳ раиси ва аъзолари | Аъзоларининг Ф.И.Ш | Лавозими, илмий даражаси ва унвони | Имзо |
|---|---|---|---|---|
| 1 | раис | Н.Х.Рахмонкулова | Низомий номидаги ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректори п.ф.д., проф. | |
| 2 | аъзо | Ш.А.Абдуллаева | Низомий номидаги ТДПУ “Бошланғич таълим” факультети декани п.ф.д., проф. | |
| 3 | аъзо | А.А.Халиков | Низомий номидаги ТДПУ “Бошланғич таълим методикаси” кафедраси мудири п.ф.д., проф. | |
| 4 | аъзо | К.А.Аброрхонова | Низомий номидаги ТДПУ “Бошланғич таълим педагогика” кафедраси мудири п.ф.б фалсафа доктори (PhD) | |

**Ректор** **А.Ю.Умаров**

**Ўқув ишлари бўйича проректор** **Н.Х.Рахмонкулова**

**Ўқув-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш бўлими бошлиғи** **А.А.Хўжаев**

**Факультет декани** **Ш.А.Абдуллаева**

*" 5111700- Бошлангич таълим"*

**бакалавриат таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чикувчи ишчи гурух таркиби**

| Т/Р | Ишчи гурух раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш. | Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи | Имзо |
|---|---|---|---|
| 1 | А.Ю.Умаров | Раис, ректор | |
| | | Аъзолари: | |
| 1 | А.А.Халиков | Низомий номидаги ТДПУ "Бошланғич таълим методикаси" кафедра мудири п.ф.д., проф. | |
| 2 | К.А.Аброрхонова | Низомий номидаги ТДПУ "Бошланғич таълим педагогикаси" кафедра мудири п.ф.б фалсафа доктори (PhD) | |
| 3 | М.И.Жумаев | Низомий номидаги ТДПУ "Бошланғич таълим методикаси" кафедра п.ф.д., проф. | |
| 4 | Д.П.Ходиева | Низомий номидаги ТДПУ "Бошланғич таълим педагогикаси" кафедра доценти | |

**Ректор** ______________________ **А.Ю.Умаров**

**М.Ў.**

**Ўқув ишлари**
**бўйича проректор** ______________________ **Н.Х.Рахмонкулова**

**Декан** ______________________ **Ш.А.Абдуллаева**

**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўкув режаларини турдош олий таълим муассасалари билан**

## КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Тошкент ш. "6" 08 2020 й.

Қатнашчилар: Ўзбекистон миллий университети, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Андижон давлат университети, Бухоро давлат университети, Гулистон давлат университети, Қорақалпоқ давлат университети, Карши давлат университети, Наманган давлат университети, Самарканд давлат университети, Термиз давлат университети, Урганч давлат университети, Фарғона давлат университети, Жиззах давлат педагогика институти, Қўқон давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институти, Нукус давлат педагогика институти ректорлари, ТДПУ Термиз ва Шахрисабз филиаллари директорлари, университетнинг таянч кафедралари мудирлари ва таклиф этилганлар.

## КУН ТАРТИБИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури"да, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли, 2019 йил 16 январдаги "Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4119-сонли, 2019 йил 11 июлдаги "Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4391-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли, 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги "2020/2021 ўкув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги "Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 470-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғида белгилаб берилган вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 29 сентябрдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни жорий этиш тўғрисида"ги 820-сонли, 2018 йил 9 августдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 19-2018-сонли буйруқларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича Тошкент давлат педагогика университети ижодий ишчи гуруҳлари томонидан тайёрланган "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича Давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўкув режаларининг муҳокамаси.

Сўзга чиқди: Н.Раҳманкулова – маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги "2020/2021 ўкув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида амалдаги "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги 110000-Педагогика таълим соҳасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга, жорий ўкув йили 1-курсларида таълим жараёнида ўқитишнинг кредит-модуль тизимига асосланган давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари ҳамда ўкув режаларини яратиш зарурияти туғилди.

ТДПУнинг ишчи гуруҳи ва профессор-ўқитувчилари томонидан, 2020-2021 ўкув йилидан 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича янгидан киритилган, шунингдек амалдаги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўкув режалари таълим жараёнида ўқитишнинг кредит-модуль тизимига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган. Янги яратилган малака талаблари ҳамда ўкув режаларини ушбу йиғилишда муҳокама қилишимиз зарур. Мазкур масала юзасидан ТДПУда олиб борилган ва амалга оширилган ишлар билан батафсил танишиш зарур бўлади.

Эшитилди: А.А.Хўжаев – университет ўкув-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш бўлими томонидан турдош олий таълим муассасалари ҳамда университет кафедра мутахассисларини жалб қилган ҳолда директив

ҳужжатлар ҳамда ўқитишнинг кредит-модуль тизими асосида 110000-Педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари лойиҳалари университет масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар томонидан яратилди:

| | | |
|---|---|---|
| А.Умаров | - | Тошкент давлат педагогика университети ректори, Ишчи гуруҳ раиси; |
| Н.Раҳманкулова | - | Ўқув ишлари бўйича проректор, раис ўринбосари. |
| А.Акмалов | - | Математика ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| Н.Халилова | - | Психология кафедраси мудири, |
| С.Турсунов | - | Информатика ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| Г.Джаншеисова | - | Мактабгача таълим методикаси кафедраси мудири. |
| Н.Алимкулов | - | География ўқитиш методикаси кафедраси мудири. |
| Н.Абидова | - | Логопедия кафедраси мудири, |
| О.Искандаров | - | Кимё ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири. |
| М.Хамедова | - | Олигофренопедагогика кафедраси мудири: |
| Ў.Хўжаназов | - | Ботаника кафедраси мудири; |
| Д.Давлетов | - | Умумий математика кафедраси доценти. |
| Н.Толипов | - | Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси катта ўқитувчиси; |
| О.Раҳматуллаева | - | Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири ва бошқ. |

Кун тартибидаги масала бўйича йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. **Тошкент давлат педагогика университетида ишчи гуруҳлар томонидан тайёрланган 110000-Педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури"да, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли, 2019 йил 16 январдаги "Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4119-сонли, 2019 йил 11 июлдаги "Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4391-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли, 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги "2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги "Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 470-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА171-20-сонли топшириғида белгилаб берилган вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 29 сентябрдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни жорий этиш тўғрисида"ги 820-сонли, 2018 йил 9 августдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 19-2018-сонли буйруқларида белгиланган вазифалар ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилганлиги, асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими ҳамда Мактабгача таълим вазирликлари экспертизасидан ўтказилганлиги инобатга олинсин.

2. **110000-Педагогика таълим соҳаси** Давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларини тайёрлашда турдош ОТМларнинг таклифлари ҳисобга олинганлиги таъкидлансин.

3. **110000-Педагогика таълим соҳаси** Давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари ўрнатилган тартибда тасдиқлатиш (келишув) учун Вазирлик ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказига топширилсин.

**Мажлис раиси** **А.Ю.Умаров**

**Котиб** **А.А.Хўжаев**

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**
**Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналиши**
**Мувофиқлаштирувчи Кенгаши *Педагогика* таълим соҳаси бўйича**
**ўқув-услубий бирлашмаси йиғилишининг 9 -сонли**

**БАЁННОМАСИДАН КЎЧИРМА**

Тошкент ш. "6" 08 2020 й.

Қатнашдилар: **Бирлашма раиси – А.Ю.Умаров**
**Ўқув-услубий бирлашма котиби: А.А.Хўжаев**
**Аъзолари:** - ўқув-услубий бирлашманинг 23 нафар аъзосидан 21 нафари, таклиф этилганлар 14 нафар.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури"да, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли, 2019 йил 16 январдаги "Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4119-сонли, 2019 йил 11 июлдаги "Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4391-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли, 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги "2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги "Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 470-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РАП-20-сонли топшириғида белгилаб берилган вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 29 сентябрдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни жорий этиш тўғрисида"ги 820-сонли, 2018 йил 9 августдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 19-2018-сонли буйруқларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича Тошкент давлат педагогика университети ижодий ишчи гуруҳлари томонидан тайёрланган "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларининг муҳокамаси ҳамда уларни тасдиқлаш учун тавсия этиш

**Эшитилди: Ўқув-услубий бирлашма раиси А.Ю.Умаров:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги "2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида амалдаги "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги 110000-Педагогика таълим соҳасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга, жорий ўқув йили 1-курсларида таълим жараёни ўқитишнинг кредит-модуль тизимига асосланган давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари ҳамда ўқув режаларини яратиш зарурияти туғилганлиги, шу жумладан 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича янгидан киритилган таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ҳақида ахборот берди, уларни муҳокама қилиш ҳамда ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режалари ҳақида йиғилиш қатнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўради.

**Сўзга чиқдилар:** *Жиззах давлат педагогика институти, Қўқон давлат педагогика институти, Нукус давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институти ўқув ишлари бўйича проректорлари, Табиий фанлар таълим шуъбаси раиси К.Сапаров, Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим шуъбаси раиси Р.Халилов, Мактабгача таълим шуъбаси раиси М.Мирсолиевалар сўзга чиқиб, 110000-Педагогика таълим соҳаси давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура*

мутахассисликларининг малака талаблари хамда ўқув режалари хамда ўзларининг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирдилар.

**Эшитилди: Университет ўқув ишлари бўйича проректори Н.Рахмонқулова:**

маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим сохасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги "2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида амалдаги "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги 110000-Педагогика таълим сохасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга, жорий ўқув йили 1-курсларида таълим жараёни ўқитишнинг кредит-модуль тизимига асосланган давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари хамда ўқув режаларини яратиш зарурияти туғилди.

ТДПУнинг ишчи гурухи ва профессор-ўқитувчилари томонидан, 2020-2021 ўқув йилида 110000-Педагогика таълим сохаси бўйича янгидан киритилган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари хамда ўқув режалари ишлаб чиқилган. Янги яратилган малака талаблари хамда ўқув режаларида таълим сохасини ривожлантиришда рўй бераётган иқтисодий ислохотлар тўлалигича ўз аксини топди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тасдиқлаш учун тавсия этиш мумкин, - деб фикр билдирди.

ТДПУнинг ишчи гурухи ва профессор-ўқитувчилари томонидан, 2020-2021 ўқув йилида 110000-Педагогика таълим сохаси бўйича янгидан киритилган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари хамда ўқув режалари лойиҳалари республикадаги асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти хамда турдош олий таълим муассасалари билан келишилган, ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун вазирлик қошидаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълими йўналишлари бўйича ўқув услубий бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашга тақдим этишга тайёр холатга келтирилди.

Кун тартибидаги мазкур масала бўйича йиғилишда билдирилган фикр-мулохазалар ва таклифлар асосида

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Турдош олий таълим муассасалари (ОТМ) вакилларини хамда университет профессор-ўқитувчиларини жалб қилган холда Тошкент давлат педагогика университетида ташкил этилган ижодий ишчи гурухлар томонидан ишлаб чиқилган 110000-Педагогика таълим сохаси Давлат таълим стандарти, ўқитишнинг кредит-модуль тизими бўйича янгидан ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг малака талаблари хамда ўқув режалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли, 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим сохасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги "2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 7 июндаги "Давлат таълим муассасалари хамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 470-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғида белгилаб берилган вазифалар ва олий таълим сохасини тартибга солувчи бошқа норматив-хуқуқий хужжатларга хамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилганлиги инобатга олинсин.
2. 110000-Педагогика таълим сохаси Давлат таълим стандарти, таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг малака талаблари хамда ўқув режалари ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун турдош ОТМлари манфаатдор вазирликларида экспертизадан ўтказилганлиги таъкидлансин (110000-Педагогика таълим сохасига кадрлар истеъмолчилари (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги) томонидан қўйиладиган умумий малака талаблари "Келишув баённомалари", "Келишув далолатномалари" билан расмийлаштирилган ва малака талабларига илова қилинади).
3. Экспертиза натижасида мутахассислар томонидан аниқланган камчилик ва таклифлар малака талабларининг яратилишида инобатга олинсин.
4. 110000-Педагогика таълим сохаси Давлат таълим стандарти, таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг малака талаблари хамда ўқув режалари ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этиш учун Олий, ўрта махсус ва профессионал таълими йўналишлари бўйича ўқув услубий бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мухокамасига тақдим этилсин.

| | |
|---|---|
| **Бирлашма раиси** | **А.Ю.Умаров** |
| **Масъул котиб** | **А.А.Хўжаев** |

**110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талабларини ишлаб чиқишда олий маълумотли кадрлар тайёрлашнинг хорижий тажрибаларидан фойдаланилганлиги ҳақида**

## МАЪЛУМОТНОМА

**110000-Педагогика таълим соҳаси** бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари лойиҳасини ишлаб чиқишда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Хитой Халқ Республикаси, Япония, Корея, Белоруссия, Россия ва бошқа хорижий мамлакатлар олий ўқув юртларида ўқитишнинг кредит-модуль тизимига асосланган педагогика таълим соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тажрибасидан фойдаланилди.

**110000-Педагогика таълим соҳаси** бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари лойиҳасини ишлаб чиқишда хорижий мамлакатларда ўқитишнинг кредит-модуль тизимига асосланган педагогик кадрлар тайёрлашда назарий ва мустақил таълим билан бирга малака амалиётига алоҳида эътибор берилиши таҳлил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури"да, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли, 2019 йил 16 январдаги "Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4119-сонли, 2019 йил 11 июлдаги "Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4391-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли, 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги "2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги "Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 470-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА/11-20-сонли топшириғида белгилаб берилган вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 29 сентябрдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни жорий этиш тўғрисида"ги 820-сонли, 2018 йил 9 августдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 19-2018-сонли буйруқларида белгиланган вазифалар асосида бакалавриат таълим йўналишлари талабаларининг малака амалиётларини ўтказишда ўқиш муддати 4-йил бўлган таълим йўналишларида 24 ҳафта, 3-йил бўлган таълим йўналишларида 14 ҳафта қилиб белгиланди.

**110000-Педагогика таълим соҳаси** бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари асосида кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртларида бакалавриат талабалари илмий-тадқиқот ишларига жалб этилишини инобатга олиб, малака талабларида илмий-тадқиқот фаолияти ҳам назарда тутилган. Илғор хорижий мамлакатлардаги педагогика таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларида ўқитиладиган фанлар сонини ва номланишини ҳисобга олиб, ўқув режасида фан блоклари таркиби янгиланди, мутахассисликка оид бўлмаган фанлар 2 баробар қисқартирилди, шунингдек, 1-курсдан мутахассислик фанларини ўқитилиши инобатга олинди.

Хорижий мамлакатларда олий педагогика таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрловчи таълим муассасаларида талабаларнинг келгуси фаолияти ҳисобга олиниб танлов бўйича фан ўрганиш имконияти берилади, яъни таълимни демократлаштириш назарда тутилишини эътиборга олиб, ишлаб чиқилган **110000-Педагогика таълим соҳаси** бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режаларидаги танлов фанлари ҳажми олдинги авлод ўқув режаларига нисбатан оширилди.

Педагогика таълим соҳаси бўйича илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда хорижий тажрибадан кенг фойдаланиш мақсадида магистратура талабалари малака талабларида мамлакатимиз ҳамда хорижий илмий ва таълим муассасаларида стажировка ўтказиш инобатга олинди.

**ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректор** **Н.Рахмонкулова**

**110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талабларини ишлаб чиқилишига**

# ТУШУНТИРИШ ХАТИ

**110000-Педагогика** таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларини ишлаб чиқишда: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури"да, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли, 2019 йил 16 январдаги "Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4119-сонли, 2019 йил 11 июлдаги "Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4391-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли, 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги "2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги "Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 470-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғида белгилаб берилган вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 29 сентябрдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни жорий этиш тўғрисида"ги 820-сонли, 2018 йил 9 августдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 19-2018-сонли буйруқларида белгиланган вазифалар ҳамда олий таълим соҳасига тааллуқли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга асосланилди.

**110000-Педагогика** таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларини ишлаб чиқишда таълим соҳасининг битирувчиларига кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйиладиган малака талаблари ҳисобга олинди.

**110000-Педагогика** таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари малака талаблари бўйича "Гуманитар ва табиий-илмий фанлар" блоки 15-20%, умумкасбий фанлар блоки 30-50%, ихтисослик фанлар блоки 20-35% ни, қўшимча фанлар блоки 4-6% ни ташкил этди. Шунингдек, магистратура мутахассисликларининг малака талаблари бўйича "Умумметодологик фанлар" блоки 15-20%, "Мутахассислик фанлари" блоки 45-55% ни ташкил этди. Танлов фанлари блоки 20-35% ни ташкил этди.

Ушбу малака талаблари "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг мақсади ва вазифаларига мос таълим-тарбияга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, фармойишлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини амалга оширишга йўналтирилди.

Малака талабларини ишлаб чиқишда мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий қадриятлар, халқнинг интеллектуал салоҳиятини ва умуминсоний қадриятлар тамойиллари ҳисобга олинди.

Малака талаблари асосида таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий компетентлик шаклланиши таъминланади.

Ушбу малака талаблари халқаро тажриба, техника, технология, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуқлари, иқтисодий устуворлик шароитида кадрларга ижтимоий, ишлаб чиқариш ва амалиёт қўядиган талабларни ҳисобга олган ҳолда яратилди.

Малака талаблари шахснинг ҳар томонлама ривожланишини ҳисобга олган ҳолда узвийлик ва изчилликнинг мукаммаллигини таъминлашга қаратилди.

Ўқув юкламасининг олийдан мураккабга қараб тузилиши таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига кўра таълимни табақалаштириш имкониятларини яратди.

**110000-Педагогика** таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларига тажрибада синовдан ўтган таълим ва ишлаб чиқаришнинг илғор меъёрлари киритилди.

**110000-Педагогика** таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларини ишлаб чиқишда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизацияланув шароитида кадрлар истеъмолчилари талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этилишига тегишли шароитлар яратилди.

ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректор Н.Раҳмонқулова

**5111700 – Бошланғич таълимбакалавриат таълим йўналишининг малака талабларига**

## ТАҚРИЗ

Мазкур малака талаби 110000 – Педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

*5111700 – Бошланғич таълим* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

*5111700 – Бошланғич таълим* бакалавриаттаълим йўналиши Малака талабининг қўлланилишимакс эътиборга олинган бўлиб, бунда:

Олий таълимнинг ушбу малака талаби *5111700 – Бошланғич таълим* таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаблари асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

*5111700 – Бошланғич таълим* бакалавриат таълим йўналиши умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун бакалавриат таълим йўналиши бўйича педагогик кадр жараёнида фойдаланиладиган фанлар, педагогик фаолият воситалари, усуллари, методлари;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида ҳамда мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-педагогик тадқиқот ишлари билан шуғулланиш,оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, бошқа давлат ва нодавлат муассасаларида касбий фаолият юритиш каби комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.* Ушбу малака талабини амалиётга жорий этиш мумкин.

ГулДУ "Бошланғич таълим методикаси" кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори Б.Раҳимов

KADRLAR BO'LIMI

KADRNI TASDIQLAYMAN XODIMLAR BO'LIM BOSHLIG'I

**_5111700 – Бошланғич таълим_ бакалавриат таълим йўналишининг малака талабларига**

**ТАҚРИЗ**

Мазкур малака талаби 110000 – Педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

***5111700 – Бошланғич таълим*** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

**_5111700 – Бошланғич таълим_ бакалавриат таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилишиакс эттирилган бўлиб, бунда:**

Олий таълимнинг ушбу малака талаби ***5111700 – Бошланғич таълим*** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси худудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди. Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаблари асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

***5111700 – Бошланғич таълим*** бакалавриат таълим йўналиши - умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун бакалавриат таълим йўналиши бўйича педагогик кадр жараёнида фойдаланиладиган фанлар, педагогик фаолият воситалари, усуллари, методлари;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида ҳамда мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-педагогик тадқиқот ишлари билан шуғулланиш; оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, бошқа давлат ва нодавлат муассасаларида касбий фаолият юритиш каби комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади. *Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**Ушбу малака [illegible] амалиётга жорий этиш мумкин.**

Тақризчи:

Термиз давлат университети
Бошланғич таълим кафедраси доценти,
педагогика фанлари номзоди **Х.Б.Норбўтаев**

**_5111700 – Бошланғич таълим бакалавр_ мутахассислиги малака талабларини халқаро тажрибалар билан қиёсий таққослаш тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар**

"5111700-Бошланғич таълим" бакалавриат таълим йўналиши ўқув дастури МПГУ, БГПУ, Жанубий Кореянинг Ихва, Доксон ва Чунганг, Сингапур университетлари ўқув дастурларининг таҳлили асосида бакалавриат фан дастурларини такомиллаштириш бўйича қиёсий таҳлил қилинди.

Ўқитиш жараёнида болаларнинг шахс хусусиятлари, яъни ақлий, хусусан, математик тасаввур ва тафаккурни ривожлантиришга, мантиқ элементлари, йўналтирилган интенсив фаолият эканлигини илмий жиҳатдан англашга қаратилган.

Таълимнинг репродуктив шаклидан маҳсулдор, ривожлантирувчи, ижодий турига ўтувчи, бошланғич таълим йўналиши ўқув-педагогик жараённинг ҳар бир бола қизиқиши ва билиш имкониятларини инобатга олиб, бутун бир тизимнинг қайта кўриб чиқилишини назарда тутувчи йўлидир.

Дастурлар ва методик асосномалар турининг кўплиги таълимнинг дифференциацияси ва индивидуаллашувини назарда тутади, Давлат таълим стандартларининг таъминланиши болалар ривожланишининг юқори даражасига эришиш имкониятини кафолатлайди ва таълим тамойилларини белгилашга оид ёндашувлар, дидактик воситаларнинг самарадорлиги ва ўзига хос тавсифи, мактабгача ёшдагиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган болалар фаолиятини ташкил қилишнинг қулайроқ шакллари изоҳи келтирилган. Муайян тарзда тизимлаштирилган таълим мазмуни тарзида берилган. Унда бошланғич таълим мазмунини ҳаёт (турмуш) билан боғлаш ва мустаҳкамлаш ва ўқитишда интеграциялаш муносабатлари, улар ўртасидаги боғлиқлик муносабатларини англаш қобилиятининг ривожланиши қонуниятлари келтирилган.

5111700-Бошланғич таълим балавриат таълим йўналишларида ўқитиш замонавий таълим технологиялари ютуқларидан фойдаланиш фаолият турлари ва ўйинларни лойиҳалаш. Болалар ижодкорлигини ривожлантиришдан иборатдир.

5111700-Бошланғич таълим балавриат таълим йўналишларида ўқитиш мазмуни хорижий тажрибаларга асосланган фаолият турларини, илғор тажрибаларни ўзлаштириш орқали таълим сифатига эришишдан иборатдир.

Дастур бошланғич синф ўқитувчисининг касбий универсаллиги хусусиятларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ равишда ўқитувчилар таркибини назарий ва амалий йўналтирилган, амалий тайёрлашнинг бирикмасига асосланган.

У классик педагогика анъаналари ва бошланғич таълим методларини, фаннинг сўнгги ютуқларини ва инновацион педагогик технологияларни

ўзлаштириш, таълимнинг амалий йўналишини кучайтириш асосида амалга оширилади.

Юқоридаги маълумотларга асосланган ҳолда таъкидлаш мумкинки, ушбу яратилаётган ***5111700 – Бошланғич таълим бакалавр*** мутахассислигининг малака талаби замонавий таълим технологияларига асосланган ҳолда, жамиятнинг мактаб ва мактабдан ташқари таълим ва тарбиявий фаолиятлар талаблари асосида тузилди.

## *5111700 – Бошланғич таълим бакалавр* таълим жараёнининг давомийлик умумий кўрсаткичлари

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон Республикаси (магистратура) | Россия (Москва вилоят давлат университети) (МОГУ) | Белоруссия ДПУ |
| --- | --- | --- | --- | --- |
| 1. | Бошланиши | 4 йиллик бакалавриатдан сўнг | 4 йиллик бакалавриатдан сўнг | 4 йиллик бакалавриатдан сўнг |
| 2. | Давомийлиги | 2 йил (4050 соат) | 2 йил (3200 соат) | 2 йил (4200 соат) |
| 3. | Таълим олувчилар сони | 1-10 | 4 -10 ва ундан ортиқ | 1-12 ва ундан ортиқ |
| 4. | Ўтиш жойлари | Ўрта таълим мактабларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида | Олий таълим муассасаларида | Олий таълим муассасаларида |
| 5. | Таълим берувчилар | Педагогика олий таълим муассасаларидаги бошланғич таълим фанларини ва педагогикаси мутахассислиги бўйича фан доктори, фан номзоди ёки амалий машғулотлар учун магистратура дипломига эга профессор-ўқитувчилар, малака ошириш курсини тугатган олий маълумотга эга бўлган-ўқитувчилар, амалий кўникмаларни ўргатиш бўйича бошқа тор доирадаги мутахассислар. | Университетда фаолият юритадиган профессор-ўқитувчилар, лаборатория дарсларида тегишли тартибда рухсатга эга бўлган олий маълумотли лаборатория ходимлари, шунингдек ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқликда фаолият юритадиган илмий тадқиқотчилар | Университетдаги тегишли кафедраларда фаолият юритадиган профессор-ўқитувчилар, лаборатория дарсларида тегишли тартибда рухсатга эга бўлган олий маълумотли лаборатория ходимлари |
| 6. | Таълим жараёнини кузатиш ва назорат қилиш | Қуйидаги тартибда амалга оширилади: магистратура бўлими, тегишли кафедра мудирлари ва декан шунингдек университет раҳбарияти | Қуйидаги тартибда амалга оширилади: белгиланган фанлар бўйича махсус шахслар ва шунингдек белгиланган фан тугаган талабалар ўқитувчига ва унинг фаолиятига баҳо бериш орқали амалга оширилади. | Қуйидаги тартибда амалга оширилади: белгиланган фанлар бўйича махсус шахслар ва шунингдек белгиланган фан тугагач талабалар ўқитувчига ва унинг фаолиятига баҳо бериш орқали амалга оширилади. |

**_5111700 – Бошланғич таълим_ бакалавриат таълим йўналишининг фанлар кесимида касбий компетенциялари ЖАДВАЛИ**

| Фаннинг малакавий коди | Фаннинг номи | Фан ёрдамида эгалланадиган зарурий касбий компетенциялари | Курслар кесимида фаннинг ўқув жараёнидаги ўрни | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | I | II | III | IV |
| | | **Табиий-илмий ва гуманитар фанлар** | | | | |
| | Ўзбек тилининг соҳада қўлланилиши | Талабалар ўз касбий соҳаларига мос равишда ўзбек адабий тили талаффуз меъёрлари , имло қоидалари, адабий тил услублари, услубият турларини билиши ва фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлиши ва уларни амалиётга татбиқ қилишни билишлари керак | | * | | |
| | | **Умумкасбий фанлар** | | | | |
| | Она тили | Она тилининг структураси ва системасини фарқлай олиш; она тили фонетик тизими ва графикасини таърифлай олиш; она тили луғат таркибини таҳлил қила олиш; она тили фразеологияси ва лексикографиясига таъриф бера олиш; она тили морфемик тизимини таҳлил қилиш; она тили сўз ясалиш тизимини таҳлил қилиш; она тили сўз туркумлари тизимини таҳлил қилиш; она тили синтактик қурилишини фарқлай олиш; она тили талаффуз, имло ва ишорат қоидаларини баён қилиш _**кўникмаларга эга бўлиши**_ ва уларни амалиётга татбиқ қилишни | * | * | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | билишлари керак | | | | |
| | Бошланғич таълимда болалар адабиёти | болалар адабиёти фанининг мақсад ва вазифаларини англай олиш; мактабгача, мактаб, ўрта ва катта ёшдаги болалар китобхонлигининг ўзига хос хусусиятларини фарқлай олиш; болалар фольклори ҳақида тушунчага эга бўлиш; болалар фольклорининг мумтоз адабиёт намуналари билан боғлиқлигини мисоллар орқали таҳлил қилиши; болалар адабиёти фанининг етакчи, ўзига хос тамойилларини тушуниши; болалар адабиёти ижодкорлари ҳаёти ва ижоди билан танишиши ва сўзлай олиши; ўзбек ва жаҳон (рус) болалар адабиёти ижодкорлари асарларини қиёслай олиши; ўзбек ва жаҳон болалар адабиёти дурдоналари ҳақида ҳикоя қилиш кўникмаларига эга бўлиши ва уларни амалиётга татбиқ қилишни билишлари керак | | | | * |
| | Бошланғич математика курси назарияси | Бошланғич математика курси назарияси фанининг мақсад ва вазифаларини англай олиш; тўпламлар, тўпламлар устидаги амалларнинг хоссалари, мослик ва муносабатнинг турлари; алгебраик операциялар ва уларнинг хоссалари, комбинаторика элементлари; предикатлар ва улар устида амаллар, кванторлар, номанфий бутун сонлар ва улар устида арифметик амалларни тўпламлар назарияси асосида таърифлаш; математик индукция методи, саноқ системалари: позицион ва нопозицион саноқ | * | * | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | системалари ва улар устида амаллар; номанфий бутун сонлар тўпламида бўлиниш муносабатининг таърифи ва хоссалари; сонларнинг энг кичик умумий карралиси ва энг катта умумий бўлувчиларнинг асосий хоссалари, рационал, ҳақиқий, комплекс сонлар ва улар устида арифметик амалларни бажариш алгоритми, сонли ва ўзгарувчили ифодаларнинг назарий асослари, геометриянинг вужудга келиши ҳақида қисқача тарихий маълумот; геометрия, геометрик масалалар турлари ва уларни ечиш методлари, кўпёқлилар, айланма жисмлар, миқдор тушунчаси ва унинг турлари ҳақида кўникмаларга эга бўлиши ҳамда уларни амалиётга татбиқ қилишни билишлари керак. | | | | |
| | Она тили ўқитиш методикаси | она тили ўқитиш методикаси фанининг илмий асосларини, тамойилларини, таълим жараёнида қўлланадиган методларни, дарс турлари ва таркибини; савод ўргатиш ва ҳуснихатга ўргатиш методикасини: ўқиш методикаси ва синфдан ташқари ўқиш методикасини; фонетика, сўз таркиби ва сўз ясалишини ўргатиш методикасини; сўз туркумлари, синтаксис ҳамда пунктуация элементларини ўргатиш методикасини; бошланғич синфларда она тили, ўқиш дарсларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишнинг энг қулай ва фойдали шакллари, усуллари ва воситаларини билиш *кўникма* ва | | * | * | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | уларни амалиётга татбиқ қилишни билишлари керак | | | | |
| | Математика ўқитиш методикаси | бошланғич синфларда математика ўқитиш методларини мақсадли қўллай олиш; бошланғич синфларда математика ўқитишни тўғри ташкил қилиш; математика ўқитишда ахборот ва техник воситалардан фойдалана олиш; ўқувчиларга манфий бўлмаган бутун сонларни номерлашга ўргатиш усулларини қўллай олиш; ўқувчиларга асосий миқдорларни ўргатиш усулларини қўллай олиш; ўқувчиларга арифметик амалларни ва хисоблаш усулларидан тўғри фойдалана олиш; ўқувчиларга алгебра элементларини ўргатиш усулларини қўллай олиш; улуш ва каср, ўнли каср тушунчасини ҳаёт билан боғлиқлигини тушунтира олиш; ўқувчиларга геометрия элементларини ўргатиш усулларини қўллай олиш; бошланғич синфларда тўпламлар ва Эйлер Венн диаграммаларига доир топшириқлар мазмуни, комбинаториканинг содда элементлари, координатлар, транспартиёр, параллел ва перпендикуляр тўғри чизиқлар, симметрия, тезлик, ўртача тезликни топишга доир масалалар ечишга ўргатиш усулларини қўллай олиш; бошланғич синф математика дарсларида замонавий (инновацион, педагогик ва ахборот) технологияларни қўллаш кўникма ва уларни амалиётга татбиқ қилишни билишлари керак | | * | * | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Ихтисослик фанлар** | | | | | | |
| | Бошланғич синфларда ахборот технологиялари | илмий, илмий методик журналларда чоп етилган ва ўқув адабиётларида мавжуд бўлган, Интернет орқали берилган ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган таълим технологиялари ҳақидаги мақолаларни ва ахборотларни мустақил ўрганиб, таҳлил қила олиш ва улардан ўз амалий фаолиятларида фойдаланиш; бошланғич таълим дарсларининг ўқув мақсадлари ва вазифаларини лойиҳалантира олиш; ўқувчиларнинг мустақил таълим олиш фаолиятларини ташкил этиш; инновацион педагогик тажрибаларни ўзлаштириш, амалга ошириш, баҳолаш ва такомиллаштириш ***кўникма*** ва уларни амалиётга татбиқ қилишни билишлари керак | | | | * |
| | Масалалар ечиш бўйича практикум | Бошланғич синфларда математика ўқитиш методларини мақсадли қўллай олиш; бошланғич синфларда математика ўқитишни тўғри ташкил қилиш; математика ўқитишда ахборот ва техник воситалардан фойдалана олиш; ўқувчиларга асосий миқдорларни ўргатиш усулларини қўллай олиш; ўқувчиларга алгебра элементларини ўргатиш усулларини қўллай олиш; улуш ва каср, ўнли каср тушунчасини ҳаёт билан боғлиқлигини тушунтира олиш; ўқувчиларга геометрия | | | * | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | элементларини ўргатиш усулларини қўллай олиш; бошланғич синфларда тўпламлар ва Эйлер Венн диаграммалрига доир топшириқлар мазмуни, комбинаториканинг содда элементлари, координатлар, транспартиёр, параллел ва перпендикуляр тўғри чизиқлар, симметрия, тезлик, ўртача тезликни топишга доир масалалар ечишга ўргатиш усулларини қўллай олиш; бошланғич синф математика дарсларида замонавий (инновацион, педагогик ва ахборот) технологияларни қўллаш ***кўникма*** ва уларни амалиётга татбиқ қилишни билишлари керак | | | | |
| | Умумий педагогика | Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги сиёсати, кадрлар тайёрлаш миллий модели; таълим ва тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари, бирлиги, дифференциацияси, ягона педагогик жараён; XXI аср педагог образи; педагогик антропология; таълим назарияси (дидактика)нинг асосий компонентлари: тарбия назариясининг моҳияти; тарбиянинг мазмуни, принциплари; Ўзбекистон Республикаси таълим тизими; таълимни бошқариш шакллари; Ўзбекистон Республикасида педагогика фанининг ривожланишини; педагогик фикр тарихида маҳорат масалалари; таълим ва тарбия жараёнида миллий ғоя ва маънавиятимизнинг | | * | * | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бой мерослардан фойдаланиш; таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириб олиб бориш тўғрисида тасаввурга эга бўлиши;<br>-таълим ва тарбия жараёнида миллий ғоя ва маънавиятимизнинг бой мерослардан фойдаланиш; ўз педагогик фаолиятини режалаштириш; таълим муассасаларида ўқитиш ва тарбиялашнинг замонавий метод ва технологияларини қўллаш; ўқувчини рағбатлантириш, унинг фаолиятини назорат қилиш, истеъдоди, иқтидорини рўёбга чиқариш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш, айни замонда жазолашнинг замонавий шаклларидан фойдаланиш; ўқувчилар билимини баҳолаш; ота-оналар, жамоа, ўқувчилар билан якка ва гурух бўлиб ишлаш; ўқувчилар гурухларини бошқариш; танланган метод ва технологияларни жорий қилишда муҳитни, вазиятни баҳолай олиш; таълим ва тарбия жараёнида талаб қилинган иродани намойиш қилиш, сабр-тоқат, қатъият, кайфиятни ўзгартира олиш, жавобгарликни хис қилиш; юз берган нохуш вазиятдан чиқиб кета олиш; педагогик жараёнда хар қандай низоларнинг олдини олиш; ўз хатти-харакатларини бошқара олиш ва бунда гўзалликка эришиш; ўз педагогик назокати ва одобини такомиллаштириб бориш; назокат | | | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | билан сўзлаш техникасига риоя қилиш; таълим ва тарбия жараёнида санъаткорлик унсурларидан фойдаланиш; ўз меҳнатини расмий ва ижодий ташкил эта олиш; вақтдан унумли фойдаланиш; ўз маҳоратини тинмай ошириб бориш; илғор тажрибаларни ўз фаолиятига сингдириш хусусиятларини билиши ва улардан фойдалана олиши;<br>талаба педагогик жараёнларни педагогик ва психологик жиҳатдан таҳлилқилиш усулларини қўллаш, педагогик муаммолар бўйича ечимлар қабул қилиш кўникмаларига эга бўлиши керак. | | | | |
| | Бошланғич таълим педагогикаси, инновация ва интеграция | таълим ва тарбияга интегратив ёндашув моҳияти; бошланғич таълим фанларининг хусусиятлари; педагогик жараён ривожланувчан эканлигини **билиши керак;**<br>бошланғич синфларда ўқув интеграцияси методларини қўллаш; бошланғич синфларда ўқитиладиган фанларни умумий ва хусусий жиҳатларини фарқлаш ва режалаштириш; ўқувчиларда интеграция асосида ягона билиш жараёни билан боғлиқ бўлган тафаккур турларини ривожлантириш **кўникмаларига эга бўлиши** керак.<br>бошланғич синфларда ўқитишни интеграциялаш; бошланғич синф хусусиятлари, бошланғич таълим концепцияси, таълим фанлари, таянч фанлар: она тили, бошланғич таълим | | | * | * |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | педагогикаси ва тарбиявий ишлар методикаси ва табиатшунослик, технология методикаси фанлари асослари; ўқувчилар ёши хусусиятини ва интеграциали ўқитиш тамойиллари; тили, бошланғич таълим педагогикаси ва тарбиявий ишлар методикаси, табиатшунослик машғулотларини моделлаштириш ва уларни интеграция қилиш технологияси; ўқитишнинг технологик хусусиятлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини тузиш тамойиллари; таянч фанларнинг тасвирий санъат, мусиқа, меҳнат ва жисмоний тарбия каби фанлар билан интеграциялаш тамойиллари; ўқув жараёни ва тарбиявий ишларни ўқитишнинг техник воситалари; мустақил билим олиш ва мустақил ишларни ташкил этиш малакаларига эга бўлиши керак. | | | | |
| | Технология ва уни ўқитиш методикаси | Таълимнинг мақсад ва вазифалари; технология таълимининг мазмуни; амалий иш турларининг мазмуни; иш материаллари билан ишлаш технологиялари; технология таълимини ўқитиш методлари; технология таълимини ўқитиш шакллари; технология фанидан синфдан ташқари ишлар; технология фанидан тўгарак ишларини ташкил этиш методикаси; меҳнат ва касб-ҳунар тарбиясида мутафаккирлар меросидан фойдаланиш; технология таълимида касб-ҳунарга | | * | * | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | йўналтириш; иш куролларидан фойдаланиш коидалари; иш жойини тўғри ташкил этиш талаблари; технология фанидан санитария-гигиеник талаблар; амалий дарсларида кўл мехнатидан фойдаланиш; технология дарсларида иш унумини ошириш йўллари; технология дарсларидан амалий ишларни ташкил этиш боскичлари; таълим ва тарбия мазмуни ва тамойиллари **хакида тасаввурга эга бўлиши;**<br>Амалий иш жараёнида иш материалларига ишлов бериш методларини билиш; технология дарсларини интеграциялаш; таълим технологияларини кўллай олиш; мехнат таълимида синфдан ташкари ишларни ташкил этиш; фанлараро алокадорликни ўкув жараёнига татбик этиш; технология фанига инновацион технологиялардан фойдаланиш; ўкувчиларга тежамкорлик хислатларини сингдириш; мехнат таълимида усул ва воситаларни мувофиклаштиришни билиш; амалий машғулотларда турли материаллар билан ишлаш хусусиятлари; амалий ишларни ташкил этиш шакл ва методлари; амалий технология дарслари жараёнида интерфаол методлар; амалий иш сифатини ошириш йўллари; кўл мехнатининг | | | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ўзига хос хусусиятлари; технология дарсларини ташкил этиш технологияларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**<br>- Технология **фанидан** интернет материалларини **қўллай** олиш; назарий ва амалий билимларни узвийлигини таъминлаш; технология дарслари жараёнида ахборот технологияларидан **фойдаланиш;** амалий технология жараёнида **ўқувчиларнинг** ижодий **қобилиятларни** шакллантириш; амалий иш **жараёнида** иш куролларидан фойдаланиш; меҳнат **тарбиясида** касб-ҳунар ҳақида **маълумот** бериш **технологияларини** **қўллай** олиш; технология дарслари жараёнида меҳнат анъаналаридан **фойдаланиш;** таълими **ва тарбияси** жараёнида инновацион технологияларни **қўллай** олиш **кўникмаларига эга бўлиши керак.** | | | | |
| | География ўқитиш методикаси | Қуёш системаси; географик тушунчалар; ўсимлик ва хайвонот олами систематикаси; "География" фанларининг мақсад ва вазифалари; табиат билан таништиришнинг мазмуни; география ўқитиш методлари; география ўқитиш шакллари; географиядан синфдан ташқари ишлар; табиат билан таништиришда мутафаккирлар меросидан фойдаланиш; география дарсларида амалий ишларни ташкил | | * | * | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | этиш; география таълим ва тарбиясининг мазмуни ва тамойиллари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**<br>- география дарсларини интеграциялаш; таълим технологияларини қўллай олиш; географиядан синфдан ташқари ишларни ташкил этиш; фанлараро алоқадорликни ўқув жараёнига татбиқ этиш; табиат билан таништиришда усул ва воситаларни мувофиқлаштиришни билиш; дарсларни ташкил этиш шакл ва методлари; география дарслари жараёнидаги интерфаол методлар; география дарсларини ташкил этиш технологияларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**<br>- география дарсларида интернет манбаларина қўллаш; назарий ва амалий билимларнинг узвийлигини таъминлаш; янги билим бериш жараёнида ахборот технологияларини қўллаш; дарс жараёнида ижодий қобилиятларни шакллантириш; география дарсларида инновацион методларни қўллай олиш **кўникмаларига эга бўлиши керак.** | | | | |
| | Тарбиявий ишлар методикаси | - Фаннинг асосий мақсади ва тушунчалари; таълим тизимидаги ислоҳотлари ва баркамол инсонни маънавий тарбиялаш масалалари; миллий тарбиянинг тарихий илдизлари; маънавий қадриятлар, таълим–тарбиянинг омили; шахс маънавий юксалишида қадриятларнинг аҳамияти; | | * | | * |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | интеллектуал салоҳиятли баркамол авлодни шакллантириш; таълим тизимида ўқувчиларнинг интеллектуал имкониятларини ривожлантириш **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**<br>- Жамоа, жамоани ташкил этиш методикаси; жамоада шахсни тарбиялаш; жамоани шакллантириш методикаси; жамоанинг ривожланишидаги тарбия усуллари; жамоа ижодий фаолиятни ривожлантиришда педагогик технологияларни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**<br>- Тарбиявий ишларни ташкил этиш; тарбиявий ишларнинг мақсад вазифалари ва йўналишлари; тарбиявий ишларни ташкил этиш ва режалаштириш; замонавий мактаб директорининг вазифаси; мактабда тўгарак ишларини ташкил этиш; тарбиявий ишлар тизимида технологиялар; синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар консепсияси; тарбия технологиялари; тарбия тизимини ижтимоийлаштириш; тарбия тизимига педагогик ёндашув; тарбия тизимида инновациялар; истеъдодли болаларни аниқлаш ва уларни тарбиялаш; синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларнинг мақсади ва вазифалари; мактабда ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқаришни ташкил қилиш методикаси; синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни режалаштириш | | | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | методикаси; тарбиявий ишларни ташкил этишда синф раҳбарининг ўрни; маънавий-ахлоқий тарбияда синф раҳбарининг фаолияти; синф раҳбарининг ўқув фаолияти самарадорлигини оширишга қўйилган талаблар; мактабдаги тарбиявий ишлар тизимида синф раҳбари ишини такомиллаштириш; синф раҳбарининг тарбиявий фаолияти самарадорлигини ошириш усуллари; ўқувчиларни педагогик кузатиш методикаси; синф жамоасини ташкил этиш ва уни тарбиялаш; ўқувчилар билим сифатини ошириш ва синфда интизомни мустаҳкамлаш; синф раҳбари ишини режалаштириш; мактабнинг ўқув ишлар бўйича директор ўринбосарининг вазифалари; мактаб,оила ва маҳалла ҳамкорлигининг узвийлигини таъминлаш; махалла тарихи; тарбиявий ишларни амалга оширишда педагогик маҳорат ва унинг асосий тамойиллари; оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигининг шахс маънавиятини шакллантиришдаги ўрни; оила-миллат ва жамият таянчи; оила ва жамиятнинг инсон хаётидаги ўрни; оила тарбиясида ота-онанинг ўрни; оила муҳитининг бола тарбиясига ижобий таъсири хакидаги **кўникмаларига эга бўлиши керак**. | | | | |
| | Педагогик маҳорат | педагогик-психологик тайёргарлик тизими талабларини, ўқув-тарбиявий жараён асосида | | | | * |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | қонуниятларни эгаллаш йўллари; педагогик фаолият методикаси; янги педагогик технология ва техника; педагогик маҳорат ва техника моҳиятини тушуниш хусусиятлари; бу жараённинг услуб ва тамойилларини кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимига кўчириш малакасига эга бўлиш йўллари; педагогик маҳоратини эгаллаш йўллари; педагогик техника ва маданиятни муайян тизимга солиш ва уни шакллантириш йўллари тўғрисида **тасаввурга эга бўлиши;**<br>педагогик-психологик тайёргарлик тизими талабларини ва ўқув-тарбиявий жараён асосида қонуниятларни эгаллаш; педагогик фаолият методикасини қўллаш; янги педагогик технология ва техникани қўллаш; педагогик маҳорат ва техника моҳиятини тушуниш; таълим жараёнининг услуб ва тамойилларини кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимига кўчириш кўникмасига эга бўлиш; педагогик маҳоратга эга бўлиш; педагогик техника ва маданиятни муайян тизимга солиш ва уни шакллантиришни **билиши ва улардан фойдалана олиши**;<br>педагогик-психологик тайёргарлик тизими талабларини ва ўқув-тарбиявий жараён асосида ётган қонуниятларни моҳирона эгаллаш;<br>педагогик фаолият методикасини моҳирона қўллаш; янги педагогик технология ва техникани | | | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | моҳирона қўллаш; педагогик маҳорат ва техника моҳиятини тушуниш; таълим жараёнининг услуб ва тамойилларини кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимига кўчириш малакасига эга бўлиш; педагогик маҳоратни моҳирона эгаллаш; педагогик техника ва маданиятни муайян тизимга солиш ва уни шакллантириш **кўникмасига эга бўлиши керак.** | | | | |